



ҲУҚУҚ

1997-йил 27-августдан чиқа бoshлаган

www.huquq.uz

2020-Ҳ. 30-ИЮЛЬ, №30 (1227)



...кимдир йўриғимизга юрмаса ижтимоий тармоқлардан фойдаланишга ҳаракат қиляпмиз...

7-БЕТ

ТАЙЁРГАРЛИК НАЗОРАТДА

Маълумки, 2022 йилда Самарқандда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига (ШХТ) аъзо давлатлар раҳбарларининг навбатдаги саммити бўлиб ўтади. Айни пайтда ШХТ саммитига тайёргарлик бўйича бир қатор объектларни қуриш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилмоқда.

Бош прокуратура томонидан Самарқанд шаҳрида навбатдаги саммитни ўтказишга тайёргарлик борасида амалга оширилаётган қурилиш-ободонлаштириш ишлари ўрганилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 мартдаги қарори билан Самарқанд вилояти хокимлиги ҳузурда Ободонлаштириш ва фаровонликни ошириш жамғармаси ташкил этилган. Жамғарма ҳисобидан вилоят хокимлиги ҳузурдаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси буюртмачилигида ҳудудий инфратузилмани яхшилаш ва ободонлаштириш мақсадида сув таъминоти ва канализация, ички йўллар, ижтимоий объектлар каби 10 та йўналишда қурилиш ва таъмирлаш, моддий-техник базани мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлар олиб борилмоқда.

Қурилишлар ўрганилганда жамғарма ҳисобидан давлат харидларини амалга оширишда қонунчилик талабларига тўлиқ риоя этилмаётгани аниқланди.

Жумладан, Вазирилар Маҳкамасининг 2019 йил 18 сентябрдаги 783-қарорига асосан тузилган рўйхатдаги автомобиль йўлларига оид 4 та, ичимлик ва оқова сув тармоқларига оид 8 та объект қурилиши ноқонуний равишда, яъни пудратчиларни тендер орқали аниқлашдан, лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш билан биргаликда олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, вилоятдаги объектлар қурилишида маблағдан тўғри фойдаланилиши устидан молиявий назорат ҳамда қурилиш меъёрлари ва қондаларига риоя этилиши устидан техник назорат тўғри ташкил этилмаган. Бу эса ажратилаётган пулларнинг талон-торож қилиниши, ишларнинг сифатсиз бажарилишига сабаб бўлаяпти. Ҳозир аниқланган ҳолатлар юзасидан 5 та жинойят иши кўзгатилиб, тергов ўтказилмоқда.

Мисол учун, Самарқанд шаҳар Афросиёб кўчасининг 1,9 километрлик қисмида «Favorite group» МЧЖ ичимлик ва оқова сув тармоқларини ўрнатган, «Самарқанд йўллардан мунтазам фойдаланиш» УК кўчасининг айни шу қисмига асфальт ётқизган. Бироқ 2020 йилнинг апрель ойига келиб йўлда қўллаб-қўлланган асфальт ётқизилган асфальт яроқсиз ахволга тушиб қолган.

Сув тармоқларини тортиш ҳамда асфальт ётқиришнинг қонунийлиги ўрганилганда, пудратчилар тендер ўтказмасдан танлангани, қурилиш лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш билан параллел равишда, экспертизадан ўтказилмасдан туриб олиб борилгани аниқланди. Шунингдек, оқова сув тармоғини тортишда қурилиш меъёрлари қўпол равишда бузилган. Жумладан, 85 млн. сўм пул қўшиб ёзиш орқали талон-торож қилинган. Бундан ташқари, жамғарма ҳисобидан қурилиш, таъмирлаш, ободонлаштириш ишларини бажаришда жами 7,4 млрд. сўм пул талон-торож қилинган ва нотўғри сарфлангани аниқланди.

Камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли чоралар қўрилмоқда.

Бехзод ИСМОИЛОВ,

Бош прокуратура бошқарма бошлиғининг ўринбосари



2020 йил 29 июль
соат 17:00 ҳолатига



Касалланганлар
22374 нафар



Соғайганлар
12668 нафар



Вафот этганлар
129 нафар

КАРАНТИН

15 АВГУСТГА ҚАДАР УЗАЙТИРИЛДИ

Ўзбекистонда жорий этилган карантин 2020 йилнинг 15 августига қадар узайтирилди. Бу ҳақда Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши кураш бўйича республика махсус комиссиясининг 26 июль кунги ахборотида маълум қилинган.

Карантин амал қиладиган даврда куйидагиларга қатъий эътибор қаратиш белгиланди.

Давлат органлари ва ташкилотлари:

ходимларини хатловдан ўтказган ҳолда иш жойига фақатгина зарур бўлган мутахассисларни жалб этишга рухсат берилганини инобатга олиб, қолган ходимларни қонунчиликда белгиланган тартибда меҳнат таътилига чиқариш ёхуд масофадан туриб (онлайн) ишлашини ташкил этиш;

ходимларини хизмат сафарига юборишни вақтинча тўхтатиш;

ийгилишларни фақатгина онлайн тарзда ташкил этиш;

ходимлар орасида коронавирис билан касалланганлар бўлган тақдирда улардан хабар олиш, даволаниш мақсадида зарур дори ва буюмларни харид қилиш учун ходимнинг шароитини инобатга олган ҳолда моддий ёрдам ажратиш.

Фуқароларга:

тўй, оилавий маросимлар ва бошқа тадбирларни ўтказмаслик;

жамоат жойларида, кўча, майдон ва маҳаллаларда уч кишидан ортиқ тўпланмаслик, қатъий оралик масофани (2 метр) сақлаш, тиббий ниқоб ва шахсий химоя воситаларидан фойдаланиш;

ёш катта ва муайян турдаги касалликка (қандли диабет, метаболлик синдромлари, аутоиммун касалликлари, қон, юрак, томир касалликлари, онкологик касалликлар ва бошқалар) чалинган фуқароларга коронавирис инфекцияси кучли таъсир кўрсатишини инобатга олиб, 65 ёшдан ошганларга ўзини ўзи яққалаш тарзига қатъий риоя этиш ҳамда сабабсиз уйдан чиқмаслик тавсия этилди.

Куйидаги фаолият турларини тўхтатиш бўйича чеклов 2020 йилнинг 15 августига қадар узайтирилди:

парклар ва истироҳат боғларидаги аттракционлар;

буюм бозорлари ва буюмлар савдоси билан шуғулланувчи йирик дўконлар; спорт заллари, фитнес клуб, тренажёр, бассейнлар;

умумий овқатланиш объектилари (ресторан, кафе, ошхона, чойхона); мактабгача таълим ташкилотлари, ўқув курслари ва ҳар қандай тўғрақлар; санаторийлар (коронавирис инфекциясидан даволанган ва реабилитация ўтаётган беморларга тиббий ёрдам ташкил этиладиган санаторийлардан ташқари), пансионатлар, болалар оромгоҳлари, хостеллар, меҳмон уйлари, пляжлар ва бошқа дам олиш масканлари; сартарошхона ва гўзаллик салонлари;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрига автотранспортлар, шу жумладан, йўналишсиз таксиларнинг кириши ва чиқиши (вилоятлараро катнов) (Тошкент шаҳридан Тошкент вилоятига ҳамда Тошкент вилоятдан Тошкент шаҳрига кириб-чиқиш бундан мустасно).



Шунингдек, 31 июль, 1-2 август ҳамда 8-9 август (шанба ва якшанба) кунлари бутун сутка давомида мамлакат миқёсида ҳаракатланиш, автотранспортларнинг, йўналишсиз таксиларнинг ҳаракати тўлиқ тўхтатилади.

Шу билан бирга, фуқароларга кечиктириб бўлмайдиган тез тиббий ёрдам кўрсатиш (хонимладорлик, туғруқ, жароҳат, ОИВ/ОИТС, онкологик ёрдам, нурланиш терапияси, гемодиализ ёрдами кўрсатиш, тест ва қон топшириш, жарроҳлик амалиёти зарур бўлганда, инсон соғлиғига ва ҳаётига хавф туғдираётган бошқа ҳолатларда) билан боғлиқ ҳолларда тиббий муассасага бораётган ва ундан қайтаётган шахсий автотранспортлар ҳаракатланиши учун махсус рухсатнома талаб этилмаслиги белгиланди ва шу муносабат билан мутасаддиларга мазкур ҳолатларда фуқароларнинг автотранспортлари ҳаракатланишига тўқинлик қилмаслик, зарур ҳолларда фуқароларни манзилига етказишда ёрдам кўрсатиш юзасидан кўрсатма берилди.

Мазкур чеклов махсус рухсатнома (стикер) асосида ҳаракатланадиган автотранспортларга ҳамда Республика махсус комиссиясининг 2020 йил 8 июлдаги қарори билан тасдиқланган автотранспортлар ҳаракатланишига махсус рухсатнома талаб этилмайди.

Мамлакатдаги эпидемиологик вазият оғирлашгани муносабати билан, шунингдек, аҳоли ўртасида коронавирис инфекциясининг тарқалиш занжирини узиш мақсадида, эпидемиологларнинг тавсияларини инобатга олган ҳолда 31 июль, 1-2 август ҳамда 8-9 август (шанба ва якшанба) кунлари куйидагилар тавсия этилади:

аҳолига — ўзини ўзи яққалаш тарзига қатъий риоя этган ҳолда ўз уйда қолиш;

давлат органлари ва муассасалари, хўжалик бирлашмалари ҳамда бошқа ташкилотларга — ходимларини ишга жалб этмаслик, ходимларга шу кунлари уйда қолиш учун шароит яратиш.

Шу билан бирга, йирик тадбиркорлик субъектларига карантин даврида ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва савдо объектларида санитария-гигиена ва эпидемиологик талабларга риоя этилиши учун масъул бўлган ходим белгилаш тавсия этилади.

Республика махсус комиссиясининг қарори билан Уй шароитида карантинни ташкиллаштириш тартиби тўғрисидаги услубий кўрсатма ҳам тасдиқланди.

Шунингдек, коронавирис инфекциясига қарши кураш бўйича халқаро стандартларни инобатга олган ҳолда коронавирис инфекцияси енгил, ўртача оғир ва оғир ўтаётган беморларни даволаш стандартлари тасдиқланиши ҳамда фуқароларга тавсия этиладиган дориларнинг ягона рўйхати тузилиши белгиланди.

Шу билан бирга, коронавирис инфекциясига қарши кураш самарадорлигини ошириш мақсадида:

республикадаги барча дорихоналарни зарур дорилар билан таъминлаш ҳамда дори нархларининг барқарорлигини таъминлаш;

коронавирис инфекциясини даволашга мўлжалланган шифохоналарни кислород билан таъминлаш;

коронавирис инфекциясини юктирган беморларга клиник белгиларига асосан тест жавобларини қутмасдан тиббий ёрдамни ташкил қилиш чоралари белгиланди.

Мутасаддиларга коронавирис инфекциясини юктирган беморларни шифохонага жойлаштиришнинг аниқ ва шаффоф мезонларини ишлаб чиқиш ҳамда беморларни шифохонага жойлаштиришда ушбу мезонларга қатъий амал қилиш бўйича тошириқлар берилди. Бунда қандли диабет, онкологик,

юрак-қон томир, аутоиммун касалликлари, метаболлик синдроми мавжуд ҳамда 55 ва ундан юқори ёшдаги беморларни биринчи навбатда жойлаштириш белгиланди.

Шу мақсадда коронавирис билан касалланганларни даволаниш учун жойлаштириш муассасаларининг захирасини тайёрлаш ҳамда фуқароларни тўғри тақсимлаган ҳолда жойлаштириш мақсадида барча ҳудудларда махсус тақсимлаш марказлари ташкил этилмоқда.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятларда Тошкент шаҳри таърибасидан келиб чиққан ҳолда коронавирис инфекцияси юққани гумон қилинган шахслар ҳамда ушбу инфекция юққани тасдиқланган беморларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш ва уларни амбулатор даволашга ихтисослашган «махсус поликлиникалар» фаолияти йўлга қўйилди.

Фуқароларга қулайлик яратиш, шунингдек, уларга ўз вақтида малакали тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида «махсус поликлиникалар» ва махсус тақсимлаш марказларининг туну кун ишлаши белгиланди.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси уламолар кенгашининг Қурбон ҳайитини коронавирис пандемияси даврида карантин талабларига мувофиқ ўтказиш тўғрисидаги баёноти маълумот учун қабул қилинди ва маҳаллий ҳокимликларга тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш тошириғи берилди.

Фуқароларга Қурбон ҳайитини карантин талабларига қатъий риоя этган ҳолда уйда, оила даврасида, камтарона, тартибли ҳамда миллий қадриятларга мос равишда ўтказиш тавсия этилди.

Ҳурматли юртдошлар! Карантин чекловларига қатъий риоя қилиш коронавирис инфекцияси тарқалишининг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга. Ўзингизнинг ва бошқаларнинг саломатлигига эътиборсиз бўлманг.

СУДЛАР ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ОДИЛ СУДЛОВ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда мамлакатимизда суд-хуқуқ тизимини янада такомиллаштириш, фуқаро ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш чораларини кучайтириш, одил судлов самарали таъминлаш ҳамда судьялар ҳамжамияти ролини ошириш бўйича изчил ишлар олиб борилаётган.

Амалга оширилган ишлар натижасида одил судлов жараёнида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш даражаси янги босқичга чиқди.

Хусусан, ноҳақ айбланган 2,3 мингга яқин киши оқланди, адашиб жиноят йўлига кириб қолган сабабли озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниши мумкин бўлган 3,5 мингдан ортққ ёшлар ва хотин-қизларга маҳалла ва жамоатчилик кафиликлари асосида енгилроқ жазолар тайинланди, ўз оилалари бағрида қолдирилди, инсон ҳуқуқларини кўпол тарзда бузган 60 нафар ҳуқуқ-тартибот органи ходимлари жиноий жавобгарликка тортилди.

Шу билан бирга, суд ҳимоясини таъминлашдаги ортққ бюрократик тўсиқларни сақлаб қолаётганлиги, суд қарорларини қайта кўришнинг бир-бирини такрорловчи босқичлари маъжудлиги, инвесторлар ҳуқуқларининг суд ҳимоясида бўлиши етарли даражада ташкил этилмаганлиги ва бошқа бир қатор камчиликлар суд органларининг амалдаги тузилишини замон талаблари ва халқаро стандартларга мувофиқ қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисида Мурожаатномасида суд-хуқуқ соҳасида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш, фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини юксалтириш, ишларни судда кўриш сифатини ошириш ҳамда ҳолис, адолатли ва қонуний суд қарорларини қабул қилиш учун тарафларнинг тенглиги ва тортишувчанлигини амалда таъминлаш механизмларини кенгайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан Судьялар олий кенгаши ва судьялар ҳамжамияти билан биргаликда қонунийлик ташаббуси асосида суд тизимида 2021 йил 1 январдан бошлаб қуйидаги ташкилий-тузилмавий ўзгаришларни амалга оширишни назарда тутуви қонун лойиҳаси ишлаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

вилоят ва унга тенглаштирилган фуқаролик ишлари бўйича, жиноят ишлари бўйича судлар ва иқтисодий судлар негизида судьяларнинг қатъий итисослашувини сақлаб қолган ва суд ишларини юритиш турлари бўйича алоҳида судлов ҳайъатларини ташкил этган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар умумюрисдикция судларини ташкил этиш;

маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатини маъмурий судлардан жиноят ишлари бўйича судларга ўтказиш;

маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни кўришга итисослаштирилган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида туманларо маъмурий судларини ташкил этиш, шу муносабат билан туман (шаҳар) маъмурий судларини тугатиш. Бунда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари сақлаб қолиниши;

Амударё, Нуробод, Бойсун ва Пастдарғом туманлари иқтисодий судларини тугатиш;

фуқаролик ишлари бўйича Янгийўл туманларо судини, фуқаролик ишлари бўйича Урганч, Сўх, Хатирчи, Пахтакор туманларо судларини, Пастдарғом туманларо иқтисодий судини, жиноят ишлари бўйича Бўзатон, Тахياتон, Бандихон, Тупроққалъа туманлари судларини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий малака ҳайъатининг ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари судьялари малака ҳайъатларининг қарорлари устидан Судьялар олий кенгашига шикоят қилиш ҳуқуқини бериш.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Судьялар олий кенгаши билан биргаликда икки ой муддатда мазкур бандда назарда тутилган масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига тегишли қонун лойиҳасини киритсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Судьялар олий кенгаши, Бош прокуратураси ва Адвокатлар палатасининг 2021 йил 1 январдан бошлаб қуйидагиларни жорий этишни назарда тутувчи таклифлари маъқуллансин:

а) суд ишларини назорат тартибида кўриш институтини тугатиш, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Бош прокурори ва улар ўринбосарларининг суднинг ҳал қилув қарорлари, ҳукмлари, ажримлари ҳамда қарорлари устидан назорат тартибида протест киритиш ҳуқуқини бекор қилиш;

б) жиноят ишларини судда кўриш учун тайинлаш босқичида иш юзасидан қарорларни тортишув тамойилига риоя этган ҳолда тарафлар иштирокида қабул қилиш тартибини белгилаш, жиноят ишнинг умумий тартибда кўриб чиқилишига тўсиқлик қилувчи омилларни тезкорлик билан аниқлаш ва бартараф этиш имконини берувчи дастлабки эшитув босқичини киритиш;

в) қуйидаги тартибларни жорий этиш: туманларо, туман (шаҳар) судларининг қарорларини вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан, вилоят ва унга тенглаштирилган судларнинг биринчи инстанция суди сифатида чиқарган қарорларини эса Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов ҳайъатлари томонидан апелляция тартибида қайта кўриб чиқиш; апелляция тартибида кўриб чиқилган суд қарорларини Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов ҳайъатлари томонидан кассация тартибида қайта кўриб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов ҳайъатлари томонидан кассация тартибида кўриб чиқилган ишлар бўйича чиқарилган суд қарорларини Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Бош прокурори ва улар ўринбосарлари протестига қўра кассация тартибиде такроран кўриб чиқиш;

давлат айбловчиси айбловдан воз кечган тақдирда реабилитация асосларига қўра жиноят ишини тугатиш; прокурор томонидан суднинг қонуний қўра кирган ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрими ёки қарори бўйича ишларни, ушбу ишлар юзасидан тарафлар мурожаати мавжуд бўлган ҳолдагина, суддан чақириб олиб ўрганиш;

қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари судларда бошқа шахсларнинг ташаббуси билан қўзғатилган фуқаролик ва иқтисодий ишларнинг кўрилишида прокурор ўз ташаббуси билан иштирок этишини истисно этиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Савдо-саноат палатасининг Олий суд тузилмасида инвестициявий низоларни ҳамда рақобатта оид ишларни кўриш бўйича судлов таркибини (кейинги ўринларда – Судлов таркиби) тузиш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

Судлов таркибига инвестиция киритилган санада йигирма миллион АҚШ доллари эквивалентидан кам бўлмаган миқдорда инвестицияни амалга оширган жисмоний ёки юридик шахслар (кейинги ўринларда – йирик инвесторлар) ва давлат органлари ўртасида юзага келадиган инвестициявий низолар ҳамда рақобатта оид ишларни кўриш ваколати берилсин.

Белгилансинки: инвестициявий низолар бўйича йирик инвесторларнинг, рақобатта оид ишлар бўйича тарафларнинг хоҳишига қўра, ушбу тоифадаги ишлар бевосита Судлов таркиби томонидан биринчи инстанция суди сифатида қўрилиши;

қолган инвестициявий низолар инвесторларнинг хоҳишига қўра, Қорақалпоғис-

тон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар суди томонидан биринчи инстанция суди сифатида қўрилиши мумкин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, вилоят ва унга тенглаштирилган судлар тузилмасида қуйидаги таркибий тузилма (лавозим)лар киритилишига розилик берилсин:

а) Ўзбекистон Республикаси Олий суди тузилмасида:

Олий суд бошқармалари фаолиятини ташкиллаштириш ва мувофиқлаштириш вазифаси юклатилган, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумига ҳисобдор бўлган, Олий суд раисининг тақдимномасига асосан Олий суд Пленуми томонидан лавозимига тайинланадиган ҳамда лавозимдан озод этиладиган Ўзбекистон Республикаси Олий суди аппарати раҳбари лавозими;

Суд-хуқуқ соҳасидаги қонунчиликни таҳлил қилиш бошқармаси;

Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик бошқармаси; б) вилоят ва унга тенглаштирилган судлар тузилмасида матбуот хизматлари.

5. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши, Олий суди ва Молия вазирлигининг Судьялар олий мактаби Суд амалиёти муаммоларини ўрганиш марказини тугатиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабининг Суд амалиёти муаммоларини ўрганиш марказини тугатиш ҳисобидан бўшаётган 9 та штат бириктери Олий суд тузилмасида ташкил этилаётган Суд-хуқуқ соҳасидаги қонунчиликни таҳлил қилиш бошқармасини шакллантиришга йўналтирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий суди аппарати раҳбари, бошқарма бошқармаси ва нисбатан Олий суд судьялари учун белгиланган, Олий суднинг бошқарув ходимлари таркибига киритилган бошқа ходимларига нисбатан эса, вилоят судлари судьялари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари татбиқ этилсин.

Бунда, қайд этилган шартлар фақат муқаддам судьялик лавозимида ишлаган шахсларга нисбатан қўлланилиши, ушбу шахсларнинг шу лавозимларда ишлаган вақти судьялик стажига қўшилиши ва пенсия тайинлашда ҳисобга олинishi иннобат ҳолисин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2020 йил 1 декабрга қадар Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Судьялар олий кенгаши, Олий суди, қўри суд тизими судьялари, Судьялар олий мактаби ва уларнинг аппарати ходимлари, Олий суд ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти ва унинг ҳудуди бўлимлари ходимлари иш ҳақлари ва қўшимча тўловларини тўлиқлигича Давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан молиялаштиришга ўтказилишини ҳамда иш ҳақлари миқдорларини оширилишини назарда тутувчи таклифларни киритсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Молия вазирлиги билан биргаликда пенсия тайинланган ва судья сифатида ўз фаолиятини давом эттираётган шахсларнинг пенсиялари янги белгиланадиган судьялар меҳнатига ҳақ тўлаш шартларини иннобат олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилинишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Олий суд билан биргаликда икки ой муддатда:

судларнинг фаолиятда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни янада кенгайтириш дастури бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин; 2021–2025 йилларда судларнинг биналари ва хоналарини қуриш ҳамда реконструкция қилиш дастурини тасдиқласин.

9. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар умумюрисдикция судларининг намунавий тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судларининг намунавий тузилмаси 3-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг ва Ҳарбий судлари тизимининг ташкилий-штат тузилмалари 4-5-иловаларга мувофиқ;

туманларо, туман (шаҳар) судларининг намунавий тузилмалари 6-9-иловаларга мувофиқ;

фуқаролик ишлари бўйича туманларо, туман (шаҳар) судларининг юрисдикция ҳудудлари 10-11-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

10. Белгилансинки, янгидан ташкил этилаётган судлар ва бўлинулари тўлдирини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди аппарати тузилмасига қўшимча бошқарув ходимлари штатларини киритиш судлар тизимини оптималлаштириш натижасида бўшайдиган штат бириктери ҳисобидан амалга оширилади.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Судьялар олий кенгаши билан биргаликда 2020 йил 1 ноябрга қадар қуйидагиларни назарда тутган ҳолда янги тахирридаги «Судлар тўғрисидаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига кўриб чиқиш учун киритсин:

судларнинг тузилиши, туман (шаҳар), туманларо, вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судларнинг, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг, Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов ҳайъатларининг, Раёсатининг, Пленумининг ваколатлари доираси;

судьялик лавозимига номзодлар ва судьяларга нисбатан қўйиладиган талаблар;

судьялар, суд раислари ва раис ўринбосарларини тайинлаш (сайлаш) тартиби; судьяларнинг мақоми, уларнинг мустақиллиги кафолатларини кучайтириш;

судьяларга нисбатан интизомий иш фақат судьяларнинг тегишли малака ҳайъатлари томонидан қўзғатилишини назарда тутган ҳолда, судьяларнинг интизомий жавобгарлиги, интизомий ишни қўзғатиш ва кўриб чиқиш тартиби;

судьялар ваколатларини тўхтатиб туриш, шунингдек, тугатиш асослари ва тартиби;

судьяларнинг моддий таъминоти ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш чоралари.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Олий суди билан биргаликда янгидан ташкил этилаётган судларнинг жойлаштирилишини таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Судьялар олий кенгаши, Бош прокуратураси ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгаришлар ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.


14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига 12-иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгаришлар киритилсин.

15. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари Ш.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2020 йил 24 июль

Ш.МИРЗИЁЕВ



FAOLIYAT

ФУҚАРОЛАР ИШОНГАН ИДОРАСИГА МУРОЖААТ ҚИЛАДИ

Фуқароларнинг давлат органи ёки муассасаларига ариза, таклиф ёхуд шикоят билан мурожаат қилиш ҳуқуқи конституцияда мустақамланган. Шу билан бирга, ҳар бир мурожаат ортида энг аввало инсон тақдири ётади.

Мана шу ҳақиқатни ҳисобга олган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси органларида жисмоний ва юридик шахслар мурожаат этишлари учун барча шароитлар яратилган.

Мурожаатлар ҳақида гапирар эканмиз, 2020 йилнинг ўтган олти ойи давомида жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган 7063 та мурожаатнинг 4134 таси бевосита прокуратура органларида кўриб чиқилганини таъкидлаш лозим. Уларнинг 776 таси қаноатлантирилди ва 709 кишининг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Шунингдек, 2899 киши қабул қилинди. Сайёр ва оммавий қабулларда эса 690 фуқаронинг мурожаати тингланди.

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси органларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал

139 нафар фуқаронинг мурожаати қисқа муддатда ҳал этилди.

қабулхонаси орқали келиб тушган мурожаатларнинг 508 таси кўриб чиқилди. 17 таси қаноатлантирилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонасидан келиб тушган мурожаатлардан 53 таси қаноатлантирилди. Натижада 46 нафар шахснинг бузилган ҳуқуқи тикланди.

Албатта, мурожаатларни кўриб чиқиш натижасида прокурор назорати ҳужжатлари қўлланди. Жумладан, қонунга зид ҳужжатларни бекор қилиш бўйича 26 та протест келтирилиб, қонунбузилишларни бартараф этиш юзасидан 4 та тақдимнома киритилди.

Прокурорларнинг тақдимнома ва қарорлари асосида 44 киши интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилди. Судларга 179 млн. 121 минг сўмлик зарарни ундириш бўйича 5 та даъво аризаси киритилди. 67 млн. 108 минг сўмлик зарар ихтиёрий қопланди. Жиддий қонунбузилишлар юзасидан 1 та жиноят иши қўзғатилди.

Бундан ташқари, шахсан республика прокурори томонидан 13 марта сайёр қабул ўтказилиб, 139 нафар фуқаронинг мурожаати қисқа муддатда ҳал этилиши таъминланди.

Масалан, Шўманай тумани «Кетенлер» ОФЙда яшовчи А.Отамуратова тadbirkorликни ривожлантириш учун бино олишда ёрдам сўради ва ушбу мурожаат қисқа вақт ичида кўриб чиқилиб, унга айtilган хулуддан бино ажратиб берилди.

Элликқалъа тумани «Пиллакор» ОФЙда яшовчи А.Аметовнинг ҳам мурожаати тезда ўрганиб чиқилиб, унга тadbirkorликни бошлаши учун 400 млн. сўм кредит берилди.

Бир қарашда олдий кўриган яна бир мисол. Фуқаро С.Сапарниязова прокуратурага мурожаат қилмасдан олдин паспорт олишда қийинчиликларга дуч келган. Шу боис бизга мурожаат қилишга мажбур бўлган. Табиийки, фуқаронинг мурожаати тезда кўриб чиқилди ва унга қонун доирасида фуқаролик паспорти расмийлаштириб берилиши таъминланди.

Раҳманберди ЖАЛЕЛОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси бўлим бошлиғи

Жубаниш БАЗАРБАЕВ,
Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг қатта ёрдамчиси

ЕТТИ МИЛЛИОН СЎМЛИК ЗАНЖИР

Матлуба Шаҳноза билан қўшниси Холисахон орқали икки йил аввал танишган эди.

– Ўн икки ёки ўн беш граммлик тилла тақинчоғингиз бўлса, сотиб олардим, – деди у бир куни тақинчоклар савдоси билан шуғулланадиган Шаҳнозага кўнғироқ қилиб.

– Ҳозир уйингизга олиб бораман, – деди Шаҳноза ва айтганидек тезда етиб келди.

Аввалига унга 10 граммлик «Кардинал» тақинчоғини кўрсатди. Матлуба тақинчоқни 3 млн. сўмга сотиб олди.

Пулни санаб олган Шаҳноза уни яна аврашга тушди:

– Биласизми, бир танишим 30 граммлик «Мидаз» деган тилла занжирини сотмоқчи. Бир кўрасизми? Тоза нарса... Оламан десангиз, бир соатда келтириб бераман.

– Нархи қанча бўлиши мумкин? – ўйлиниб сўради Матлуба.

– Сизга арзон қиламиз-да, – деди «хожатбарор» тиллафуруш. – Етти миллион берсангиз бўлди...

– Унда мана сизга тўрт миллион... – деди Матлуба ниҳоят бир қарорга келиб. – Қолганига ҳозир ўзингиз сотган «Кардинал»ни қайтиб оласиз. Етти миллион бўлади. Розимисиз?

Шаҳноза рози бўлди. Тилхат ҳам ёзиб берди. Пулни олиб чиқаётган маҳал қўшни Холисахон ҳам уни кўрди. Бирок Шаҳноза бир неча кун қорасини кўрсатмай кетди. Тоқати тоқ бўлган Матлуба унга кўнғироқ қилди.

– Танишим «Мидаз»ни сотмайдиган бўпти, – деди Шаҳноза бамайли-

хотир. – Пулингизни ишлашиб қўйдим. Бўлиб-бўлиб қайтараман...

Шундан кейин Матлуба у билан юзма-юз кўришиб, гаплашиб олди. Тиллафуруш яна фалон куни пулни қайтараман дея тилхат ёзиб берди. Аммо фалон кундан ўтди ҳамки, на ундан, на пулдан дарак бўлди...

Жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар суди томонидан «Ойдин» маҳалла фуқаролар йиғини биносидан ўтказилган очик суд мажлисида Шаҳноза Хўшмуродованинг жиноят иши кўрилди.

Қайд этилишича, 1988 йилда тутилган бу аёл фирибгарлик жинояти учун аввал 5 йилга озодликдан маҳрум этилган, сўнг жазо ахлоқ тузатиш жазосига алмаштирилган. Кейин ундан ҳам муддатидан аввал шартли равишда озод қилинган.

Судда Шаҳноза пулни Матлубадан қарзга олганини айтди. Аммо далиллар ва гувоҳларнинг кўрсатувлари олдида унинг бу важи совун кўпигидай ёрилиб кетди...

Суд ҳукм қилди. Шаҳноза Хўшмуродовага илгари тайинланган жазо қисман қўшилиб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йилу 1 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди. Жабранувчига етказилган зарар ҳам ундирилди.

Обид Қўлдошев,
Қашқадарё вилояти прокуратураси бўлим бошлиғи



ИШИГА ҚАЙТА ТИКЛАНДИ

Қорақалпоғистонда 2020 йилнинг олти ойи давомида фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан фуқароларни ишга тиклаш билан боғлиқ 138 та иш кўрилиб, 66 таси қаноатлантирилган.

Таъкидлаш керакки, мазкур ишларнинг биринчи инстанцияда кўрилишида қатнашган прокурорлар томонидан ишнинг моҳияти бўйича асосли фикр билдирилиб, адолатли қарор қабул қилинишини таъминлаш чоралари кўриб борилди ва асоссиз қарорларга нисбатан протест келтирилди.


Хусусан, Н.Даулетмуратованинг Нукус шаҳар санитария-эпидемиология осовишгалик агентлигига нисбатан ишга тиклаш, мажбуран бўш юрган кунлари учун иш ҳақи ва маънавий зарар ундириш ҳақидаги даъвоси фуқаролик ишлари бўйича Нукус туманлараро судининг ҳал қилув қарори билан рад қилинган.

Аслида даъвогар ишлаб келган Нукус шаҳар СЭО агентлиги врач-лаборантга лавозими штат қисқаришига тушмаган. Аммо шунга қарамадан у билан тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг

100-моддаси 2-қисми 1-бандига асосан ғайриқонуний равишда бекор қилинган. Ушбу ҳолат эса биринчи инстанция судининг эътиборидан четда қолган.

Н.Даулетмуратова ишлаб келган врач-лаборант лавозимининг қисқаришига тушмагани, шунингдек, у билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишга агентлик касба уюшмаси кўмитаси асоссиз равишда розилик бергани боис Нукус шаҳар прокурорининг протестига асос суд қарори бекор қилинди.

Шундай қилиб, Н.Даулетмуратованинг даъвосини қаноатлантириш, шаҳар СЭО агентлигининг буйруғини бекор қилиш, даъвогарни шу санадан бошлаб агентликнинг врач-лаборантга лавозимига қайта тиклаш, жавобгардан даъвогарга мажбуран бўш юрган кунлари учун 4 млн. 974 минг 386 сўм иш ҳақи ҳамда 3 млн.



640 минг сўм маънавий зарарни ундириш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилинди.

Яна бир мисол. У.Солиевнинг «Nukus med tex» МЧЖга нисбатан ишга тиклаш, мажбуран бўш юрган кунлари учун иш ҳақи, шунингдек, моддий ва маънавий зарар ундириш ҳақидаги даъвоси фуқаролик ишлари бўйича Нукус туманлараро судининг ҳал қилув қарори билан қисман қаноатлантирилган. Яъни, «Nukus med tex» МЧЖ-

нинг буйруғини бекор қилиш орқали У.Солиевнинг мазкур жамиятнинг директори лавозимига тиклаш, унга иш ҳақи ва адвокат хизматлари учун 1 млн. 878 минг сўм, маънавий зарар учун 837 минг сўм ундириб бериш белгиланган.

Шундай қилиб, биринчи инстанция суди даъвоси қисман қаноатлантириб, даъвогарни ишга тиклаш, адвокат харажатлари ва маънавий зарар ундириш ҳақида тўғри қарорга

келган. Аммо суд иш ҳақини ҳисоблаш ва ундириш масаласида хатога йўл қўйган. Шу сабабли Нукус шаҳар прокурорининг протестига асосан суд қарорига жавобгардан даъвогарга 6 млн. 366 минг сўм иш ҳақи ва 2 млн. 900 минг сўм маънавий зарар ундириш ҳақида ўзгартириш киритилди.

Жарас БАХИТОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси
прокуратураси бўлим бошлиғи

ҚЎЛ БИЛАН БЕРАСАН, ОЁҒИНГДАН ТЎЗАСАН

Суд давомида беихтиёр бошидан ўтганларнинг ана шу гапи ёдга тушади. Имкони бор одам мушкул аҳволга тушиб қолган оғайниси, танишини қўллаши савобли амаллардан. Ҳамидулла (исм-фамилиялар ўзгартирилган) маҳалладоши Турдиалининг илтимосини рад этолмади. Унинг дўконидан молларига ем олиб туради. Савдо иши ҳам таваккал, гоҳ юришиб, гоҳ ортга кетиши мумкин.

– Пулдан қийналиб қолдим, – деди Турдиали. – Илтимос, ўн минг доллар бериб туринг, узоғи билан икки ойда қайтараман.

– Бунча йўғу...

– Борини бериб туринг.

Ҳамидулла ичкаридан 9000 АҚШ долларини олиб чиқиб берди. Орадан икки ой ўтиб унинг дўконига, уйига

борди. У қарзи ҳисобидан ем олиб туришини илтимос қилди. «Қолганини кейинроқ бераман» деб ишонтирди. Ҳамидулла ҳар ҳафта, баъзан ҳар ўн кунда 100-120 кило ем олиб турди. Ойлар ўтди, Турдиали ҳар хил баҳоналар билан қарзини тўлашни ортга сураверди. 2009 йилнинг охирида чет элга ишга кетди. Бир йилда ортга қайтди. Ҳамидулло хориждан қайтган Турдиалига учради. У тагин «ишим юришмаяпти, пул бериб туринг, аввалги қарзимга қўшиб олти ойда қайтараман» деди.

Ҳамидулланинг Россияда ишлаб юрган қўшниси Сотиболди «сизда тура турсин» дея пул жўнатарди. Кўнгирик қилиб, «ийтилган пулимга битта «Дамас» автомобилини сотиб олиб, ишончли хайдовчига ижара-

га бериб қўйинг, ижара пулини оиламга бериб турасиз» деган эди. Турдиали «ўша пулни менга беринг, ижара ҳақини ўзим тўлаб бораман» деди. Ҳамидулла уйдаги Сотволдининг 9000 доллар пулига автомобиль олмасдан Турдиалига бериб қўйди. Уч марта ойма-ой берган 900 минг сўм, 780 минг сўм, 450 минг сўм ижара пулини Ҳамидулла Сотволдининг оиласига топширди. Турдиали ижара пулини тўлашни ҳам бас қилди. 2017 йилнинг 26 апрель куни оила аъзолари билан келиб яна қарз сўради. «2 минг доллар бериб турсангиз сиздан олган 18 минг долларни қўшиб, 20 минг қилиб қайтараман» деди.

Ҳамидулла дўкондан олиб турганим ем ҳақи дея берган қарзининг 10 минг долларидан воз кечди. Унга 2 минг доллар берди. Турдиали аввалгидан қолган 8 мингта 2 мингта қўшиб, 10 минг доллар қарзини 26 май куни қайтариб беришга ваъда қилди, тилхат ёзди. Тилхатга ўзидан ташқари акаси, икки ўғли ва хотини имзо қўйишди. Бироқ у яна алдади, орадан бир ой ўтиб қарзини қайтариб бермади. 2018 йили бошқалардан ҳам қарзга пул олиб қайтариб бермасдан алдаб келган Турдиали судланиб, ахлоқ тузатиш ишлари жазосига тортилди. Суднинг 2019 йил сентябрь ойидаги ажрими билан жазонинг қолган қисмини ўташдан озод этилди.

Ҳамидулла тилхатдаги 10 минг долларни қайтариб олишига кўзи етмасдан

Қўштепа тумани ИИБга мурожаат қилди. Ўн йил алдаб келган фирбгарга нисбатан жиноят иши кўзгатилиди. Судда Турдиали Ғойибов айбини тан олмади. Ҳақиқатан Ҳамидулладан 2009 йили 9000, 2011 йили яна 9000 долларини қарзга олганини, ушбу қарз ҳисобидан Ҳамидулла омихта ем олиб турганини, иши юришмай 2017 йили ундан олган 2000 доллар қарзининг 200 долларини қайтариб берганини, хозир қолган қарзини тўлиқ қоплаганини инобатга олишни сўради.

– Чет элда ишлаб юриб, қўшним Ҳамидуллага сақлагани пул жўнатиб турганман, – деди гувоҳ Сотиболди. – Йиғилган 9 минг долларга «Дамас» машинасини олиб, такси хайдовчисига ижарага бериб қўйишни, ижара пулини оиламга бериб туришни тайинлаганман. Чет элдан қайтганимдан кейин у машина олмаганининг сабабини айтмасдан йиғилган пулимни тўлик берди. Судланувчи ундаги менинг пулимни қарзга олиб бермаганини кейин билдим.

Жабрланувчи Ҳамидулла судланувчи Турдиали Ғойибов етказилган зарарни тўлиқ қоплаганини, унга даъвоси йўқлигини таъкидлади. Фирбгарга икки йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Акбарали ЮСУПОВ,
Қўштепа тумани прокурорининг ёрдамчиси



2020/2021 ўқув йилини олий таълим муассасалари бакалавриати ва магистратурасининг юқори курс талабалари ҳамда академик лицейларнинг 2-курс ўқувчилари масофавий шаклда бошлайди.

АДОЛАТ – БОШ МЕЗОН

«Прокуратура тўғрисида»ги қонуннинг 33-моддасига мувофиқ фуқароларнинг, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари суд орқали самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида барча инстанция судларида ишлар кўрилатганда прокурор қонунда белгиланган тартибда иштирок этади.



Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг (МСИ-ЮТК) 38-моддасига кўра ишда қатнашувчи шахслар, яъни тарафлар, учинчи шахслар, давлат органлари ва бошқа шахслар катори прокурор ҳам маъмурий ишда иштирок этувчи шахс ҳисобланади. Кодекснинг 46-моддасида маъмурий судларда ишлар кўрилишида прокурор иштирокининг умумий қоидалари белгиланган.

МСИЮТКнинг 4-моддасига кўра ҳар қандай манфаатдор шахс ўзининг бузилган ёки низолаштирилган ҳуқуқларини ёхуд қонун билан қўриқланган манфаатларини ҳимоя қилиш учун маъмурий судга мурожаат қилишга ҳақли.

Мазкур модданинг 2-қисми ҳамда 46-модданинг 2-қисмига мувофиқ прокурор қонун ҳужжатларида назарда тутилган

ҳолларда судга мурожаат қилишга ҳақлидир. Прокурор, шунингдек, ўзга шахсларнинг аризалари асосида кўзғатилган ишлар бўйича суд жараёнида иштирок этади ҳамда ариза, аниқланган ҳолатлар ва қўлланиши керак бўлган қонун ҳужжатлари хусусида фикр билдиради.

Шу билан бирга, кодекснинг 46-моддаси саккизинчи қисми талабига кўра мазкур қоида унинг бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга доир аризаси бўйича кўзғатилган ишларга татбиқ этилмайди.

Шу ўринда бир савол туғилади: прокурор бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судга ариза берганда ишни кўриш натижаси бўйича суд музокараларида қатнашадими?

Кўрсатиб ўтиш лозимки, кодекснинг 151-моддасида суд музокарасини ўтказиш тартиби белгиланган. Унга кўра суд музокараси ишда қатнашувчи шахсларнинг оғзаки чиқишларидан иборат бўлади. Музокарада улар иш бўйича ўз нуқтаи назарини асослайди.

Суд музокарасида биринчи бўлиб аризачи, кейин низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахс ва жавобгар сўзга чиқади. Низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс ишда қайси аризачининг ёки жавобгарнинг тарафидан иштирок этаётган бўлса, шу аризачидан ёки жавобгардан кейин сўзга чиқади.

МСИЮТКнинг 151-моддаси тўртинчи қисмига асосан эса бошқа шахслар-

нинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судга мурожаат этган прокурор суд музокарасида биринчи бўлиб сўзга чиқади. Шу билан бирга, ўзга шахсларнинг аризалари бўйича юритилган маъмурий ишлар бўйича суд жараёнида қатнашган прокурор суд музокарасида низонинг мазмунига доир фикрини охирида баён этади.

Таъкидлаш жоиз, кодекснинг 46-моддаси прокурорнинг маъмурий судларга фуқаролар, юридик шахслар ҳамда давлат ва жамият манфаатларини қўзлаб ариза қиритиш ваколатини белгилаб берад экан, қуйи ва юқори турувчи прокурорларнинг қайси поғона судларга мурожаат этишига оид қондани ҳам аниқлаштириб берган. Ушбу модданинг 3-қисмига мувофиқ судга ариза билан мурожаат қилишнинг қуйидаги тартиби белгиланган:

– Бош прокурор ёки унинг ўринбосари – барча маъмурий судларга;

– Қорақалпоғистон, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ёки уларнинг ўринбосарлари – Қорақалпоғистон, вилоятлар, Тошкент шаҳар маъмурий судларига;

– Қорақалпоғистон, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар ёки уларнинг ўринбосарлари – туман ва шаҳар маъмурий судларига.

Кодексда ваколатларнинг шу тарзда ажратиш кўрсатилганини прокуратура органлари тизимининг тузилиши марказлашгани, бирлик принципи асосида тапшиқ этилгани билан изоҳлаш мумкин.

Беҳзод СУЙУНОВ,
Ғузур тумани прокурори

JINOYAT HAQIQATI VA ADOLATI

ФИРИБГАР ҚОРА КУРСИДА

Бировлар кимдир алдаб икки сўм пулини олса, ўзини уddaбурон ҳисоблай бошлайди. Аммо охири ўзи алданган бўлиб чиқади. Янгиариқ тумани тиббиёт бирлашмаси хўжалик ишлари мудир лавозимида ишлаб келган У.Х. ҳам осон пул топиш мақсадида фирибгарликка қўл урди.

2019 йилнинг ёзида тиббиёт бирлашма ҳовлисида ўтиб кетаётган кичик тиббий ходим Ш.Й.ни тушқун қайфиятда кўради. Сўхбатлашганда у қизи тиббий коллежни тамомлаганини, гинекология бўлимига ишга кириш учун ҳужжат топширганини, аммо имтиҳондан ўта олмаганини айтди.

– Соққасини берсангиз, шу ишни ўзим ҳал қиламан, – деди У.Х.

– Йўқ-э, менга ҳаммаси шаффоф бўлади, бу масалага пул аралашмайди, бош шифокорнинг талаби шу дейишганди-ку.

– Ёш боламисиз, шу гапларга ишониб юрибсизми? 1000 доллар беринг, ўзим кизингизни ишга жойлаб қўяман.

Ш.Й. ўйлаиб қолди.

– Майли-ю, лекин менда унча пул йўқ-да.

– Топинг, бу ишга кўз тикиб турганлар қанча, сизга бир яхшилик қилай деяман, – деди хўжалик ишлари мудир.

Орадан бир неча кун ўтиб, Ш.Й. 800 доллар топганини айтди. У.Х. бу камлигини, пулни тўлик қилиб берса, қизи сентябрь ойида ишга тушиши мумкинлигини билдирди. Ш.Й. қарз олиб 1000 долларни тўғрилади. Аммо қизи ишга тушмади. У.Х. ҳар сафар турли баҳоналар билан вақтни чўзиб келаверди. Орадан етти-саккиз ой ўтиб, Ш.Й. алданганини билди. Ҳуқуқ-тартибот органига мурожаат қилишга мажбур бўлди.

У.Хдан алданган бир у эмасди. Яна бир фуқарони кичик тиббий ходим лавозимига ишга киритиб қўйиш эвазига 300 долларини олиб, алдаб келаятганди. Иши

битавермагач, Н.Р. ҳам У.Х.дан пулини қайтиб беришини талаб қилиб келаятганди. Охири у ҳам ҳуқуқ-тартибот органидан ёрдам сўради.

Тергов жараёнида У.Х. аслида бу фуқароларни ишга жойлаштиришни хаёлига ҳам келтирмагани, бош шифокорнинг бу гаплардан умуман хабари йўқлиги, шунчаки пул зарурлиги туфайли уларни алдаганини айтди.

Қилмиш – қидирмиш, фирибгарлик жазосиз қолмайди. Эргами-кечми фож бўлиб, суднинг қора курсисига етаклайди.

Мазкур ҳолат юзасидан У.Х.га жиноят иши кўзғатилиб, суд ҳукми ўқилди.

Неъматжон АСҚАРОВ,
Хоразм вилояти прокурорининг қатта ёрдамчиси

Давлат ташкилотларида ишлаётганлар ҳам инсон. Улар ҳам иссиқ жон эканлигини хаёлимизга келтирмаймиз. Яқинда ҳеч қаерда ишламайдиган, аммо блогерлар билан ҳамкорлик қиладиган «шогирд блогер»нинг сўзларини тинглаб ёқа ушладим. Наҳотки шунчаликка боришса? Аждодларимизни хотирласак, уларнинг фаолиятига назар солсак, фахрланамиз. Биз-чи, келажак авлодга нима қолдираяпмиз? Ёшлар қайси жиҳатимиздан ўрнак олади? Ҳисоб-китоб қилсак, бирор арзиғулик жиҳатимиз бормикан?



УЛАРСИЗ МУАММО ЕЧИЛМАЙДИМИ?

Кейинги пайтларда кимгадир мурожаат қилиш лозим бўлса, кимдир йўриғимизга юрмаса ижтимоий тармоқлардан фойдаланишга ҳаракат қиладимиз.

Шогирд блогернинг сўзларини аслидек ёзаяпман. Сиз ҳам бир эътибор беринг-а.

...Менга фарқи йўқ. Ким бўлса ҳам мурожаат қилса бўлди. Унинг ҳақ ёки ноҳақлиги умуман кизиқтирмайди. Икки оғиз гапи ёзилган видеоси, қўлида бир энлик хати бўлса бўлди. Ўшани интернетга чиқариб юборавераман. Ўзим-ку, унчалик тушунмайман. Ҳамкорлик қиладиган устоз блогерларим бор. Улушини ҳам бўлиб оламиз. Баъзан кўпроқ қисми менга қолади. Ахир жойларга бориб маълумот олиш, тайёрлаш, инсонларнинг ишончига кириш осон дейсизми?! Компьютерни яхши биладиган устоз блогерлар хонасидан чиқмай, кимирламай ўтиради. Худудлардаги маълумотларни биз юборамиз. Оқни қора, қорани оқ қилиб видео тайёрлашни, қарсни бир қўлдан чиқаришни дундираемиз ўзим. Мана яқинда бир қўшнимни бошлаб интернетга чиқардим. Бечора ўзига ёғдирилган бўҳтонлардан ёқа ушлаб қолди. Яна тагин «Ҳеч кимга ёмонлик қилган бўлмасам. Олдий фермерда ишчи бўлсам. Кимдир менга душманлик қилиб, сьёмка қилиб олибди. Эшитсангиз, ундай гапларни ҳеч қачон айтмайман. Катта ўғлим айтди, овоз ҳам меники эмас экан. Ким чиқариб юборганини ҳам билмайман. Бир нечта қўшнилarga ёрдам бергансиз-ку, менга ҳам ёрдам беринг. Нима десангиз розиман. Фақат ёрдам беринг!» деб арзиҳол қилиб келди. Бечора бу ишларнинг бошида ўзим турганини каердан билсин. Ҳар доимгидек, унга «бу иш осонликча ҳал бўлмайди. Бироз ҳаражати бор. Видеони тайёрлаганлар меҳнат қилган, улар бу жараёни

чиқариш учун ишлаган» дея берилиши керак бўлган суммани айтгандим. Обруси, шаънини химоя қилиш учун дарров рози бўлақолди. Шу суммасини бироз паст айтибман-да, сал кўпроқ айтсам ҳам рози бўларкан... Афсус, энди кеч. Мана яқинда бир фермернинг маълумотларини чиқардик. Ўша заҳоти давлат ташкилотидан ишлайдиган ходимларнинг югуришини кўрмадингиз-да. Ўзи 10 йил ишлаган бўлса ҳам ўша фермер бирор марта режани бажармаган. Кенг яйловни эгаллаб олиб, одамларнинг қўй-қўзисини боқшдан нарига ўтмаган. Бунақа ишламайдиган, давлатнинг еридан ўз нафси йўлида фойдаланадиган фермер менга ҳам керак эмас аслида. Қонуни унинг фермер хўжалиги тугатилгани йўқ, фақатгина яйлови борасидаги ижара шартномаси бекор қилинган ҳолос. Ҳа энди етарлича қорамоли бўлмагандан кейин шартнома бекор қилинади-да. Буни билсак-да, ишимиз, танишимиз деб, шу акага ҳам ёрдам берайлик деб ҳаракат қилдик. Ҳаражати биз наф бермаслигини олдиндан билгандим.

— Ижтимоий тармоққа чиқарган маълумотингиз асосизлигини билсангиз ҳам мурожаат қилдингизми?! Наҳотки давлат идораларида ишлаётган ходимлар ҳеч нарсани билмайди, улар яхшигина ишлаб турган фермернинг фаолиятини осонгина, бекордан-бекорга тугатиб юбораверадиган даражада билимсиз деб ўйлаган бўлсангиз. Ҳар ҳолда нотўғри қарор ўз-ўзидан чиқиб кетмаслигини биласизми?!

— Билганда қандок... Ўрта мактабни ҳам тўлиқ битирмаганимни билиб туриб, шу саволингиз билан жигимга тегаёйсизми? Мен каердан биламан, давлат ишида ишлаб кўрмаган бўлсам? Айтдим-ку, фермерлик фаолияти тугатилмаган, чорваси бўлмагани учун фақат яйловдан фойдаланиш учун тузилган ижара шарт-

номаси бекор бўлган ҳолос. Бу ижтимоий тармоққа чиқарган ҳар бир маълумотимиз асосиз дегани эмас. Асосилари ҳам бор. Айримлари ўрганилгандан сўнг ижобий ҳал этилаяпти. Тўғри, баъзиларига бир томонлама ёндашганимиз учун нотўғри бўлаётган бўлиши мумкин. Ҳа энди, ҳаётда ҳамма нарс бўлади...

Мана гап қаерда. Қарс икки қўлдан чиққанидек, блогерлар кўтариб чиқётган хабар ёки мурожаатларнинг ҳаммасини ҳам тўғри деёлмаймиз. Кимдир ўзининг шахсий хусумати, яна кимдир мансаб талашиб блогерларнинг хизматидан фойдаланади. Улар бераётган маълумот тўғри ёки нотўғрилигини аниқлаш учун ҳар томонлама ўрганамайди. Ўрганишга ҳаракат ҳам қилмайди. Уларнинг наздида мурожаатчи ҳақ. Балки шунинг учун кейинги пайтларда ўқиган ҳам,

...Унинг ҳақ ёки ноҳақлиги умуман қизиқтирмайди. Икки оғиз гапи ёзилган видеоси, қўлида бир энлик хати бўлса бўлди.

ўқимаган ҳам блогерман деб кўксига ураётгандир. Шунинг учун ҳам яхши ишлаётган, қўлига тушган маълумотни ҳар томонлама ўрганиб, хулоса чиқарётган блогерларнинг хизмати сезилмаётгандир.

Бир мисол. Яқинда номдор каналларнинг бирида эълон қилинган мурожаатни қўриб ҳайрон қолдим. Ноҳақлик қилаётган раҳбарларни айблай бошладим. Мурожаатчи йигитнинг масаласини астойдил ўрганишга, унга ёрдам беришга ҳаракат қилдим. Буни қарангки, мен ўйлаганчалик мутасадди раҳбарлар айбдор эмас экан. Йигитнинг оилавий аҳволи бироз оғирлиги туфайли қўшини ўзининг ерини вақтинча фойдаланиш учун бериб тургани, бундан фойдаланган

йигит эса видеомурожаатида айтганидек 2018 йилнинг февраль-март ойларида эмас, 2019 йилнинг учинчи чорагида яшашга мослаштирилмаган бир хонали уй тиклаб олгани маълум бўлди.

Яна бир тадбиркорнинг фаолияти туман ҳокимлиги томонидан асосиз тўхтатилаётгани, тадбиркорга ёрдам бериш кераклиги ҳақидаги видеомурожаатни ҳам синчиқлаб ўргандик. Аслида тадбиркорнинг фаолияти 2012 йилда суд қарори билан тугатилган экан.

Асосиз мурожаатни фақат бир томонлама ўрганиб, ўзининг каналига жойлаштираётган блогерлар балки энди бироз хушёрроқ бўлишар.

Энди блогерлар кўтариб чиқётган муаммоларнинг ҳал этилаётгани ёки этилмаётганига тўхталадиган бўлсак, ижобий ечим топаётганлари ҳам бор. Аммо мурожаатчи ноҳақ бўлса иши битмаслиги тайин.

Дарвоқе, шогирд блогерга «Сизларнинг хизматингиз пуллими? Ижтимоий тармоқларда

бу борада ҳеч бир фикр ёки сўзга дуч келмаган эканман» деб берган саволимга олган жавобни ёзишни унутаяёзиман. «Бу нима детанингиз? Кимдир ёзганига, кимдир тикканига, кимдир пиширганига, яна кимдир сотганига, бошқа биров эса қўйган-ю чиқарганига яраша ҳақ олади-ку. Биз ҳам чиқарганимизга ҳақ оламиз. Бунинг ёмон томони йўқ-ку».

Албатта, ҳар ким танлаган касби орқали оиласини боқади. Аммо мурожаатнинг асосизлигини бида туриб, унинг ордидан югуриб ҳақ олишни нима деб аташ мумкин?

Нигина ШОЕВА,
журналист



FAOLIYATIDAN

ЮЛҒИЧЛИКНИ ОДАТ ҚИЛГАН ҚУРУВЧИ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси томонидан 2020 йилнинг 5 ойи давомида яширинча иқтисодий фаолият қилинган 20 та ҳолат фош этилиб, 2 та жиноят иши қўзғатилди. 18 та маъмурий иш юритилиб, ҳуқуқбузарлардан ашёвий далил сифатида 417 млн. сўмлик товарлар олиб қўйилди.

Ўн тўрт кишининг фаолиятига қонуний тус берилиши натижасида янги иш ўринлари яратилди.

Таъкидлаш лозимки, айни кунга келиб мамлакатимизда чет эл валютасини сотиш ва сотиб олиш муаммоси бартараф этилган. Банкларда бу масалани санокли дақиқаларда қонуний ҳал этиш мумкин. Аммо шунга қарамай айримлар валюта савдоси билан қонуний шугулланишни касб қилиб, ўзига катта ташвиш орттириб олмоқда. Департамент органлари томонидан шундай 22 та ҳуқуқбузарлик аниқланди, 5 та жиноят иши қўзғатилди ва 17 та маъмурий иш юритилди. Қонуний муомалага киритилган 4740 АҚШ доллари, 3600 Россия рубли, 129 минг 250 Қозғистон тенгеси ва 79 млн. сўм ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Масалан, департаментнинг Кегайли тумани бўлими ўтказган тезкор тадбирда фуқаро Р.Ибрайимов аввал маъмурий жазо олган бўлишига қарамадан Кегайли дехқон бозо-

рида аризачи Т.Ш.дан 500 долларни қайта сотиш мақсадида 5 млн. 50 минг сўмга сотиб олган вақтида ушланди.

Бюджет маблағининг талон-торож қилинишига қарши курашиш натижасида 42 та қонунбузилиши аниқланиб, 4 та жиноят иши қўзғатилди. Эتراзилган 928 млн. сўмлик зарардан 435 млн. сўми ундирилди. Хусусан, департаментнинг Эллиққалъа тумани бўлими ўтказган текширишда «Эл-қолорит», хусусий қорхонаси мансабдорлари ваколатини суиистеъмол қилиб, туман мактабга ча таълим бўлими билан 2018 йилда тузилган 437 млн. сўмлик шартномага асосан 11-мактабга ча таълим муассасасини таъмирлаган. Бирок ишни чала бажариб, расмий ҳужжатларга сохта маълумот киритиб, 50 млн. сўм пулни талон-торож қилган.

Бундан ташқари, ушбу қорхона мансабдорлари бошқа таълим муассасаларида ҳам шундай жиноятни содир қилган.

Айни пайтга келиб мамлакатимизда коррупцияга қарши

кураш долзарб масалалардан бирига айланди. Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ҳам бунга ўз ҳиссасини қўшмоқда. Хусусан, 2020 йилнинг шу даврига қадар департамент органлари томонидан коррупция ҳолатлари юзасидан 24 та жиноят иши қўзғатилди.

Жумладан, прокуратура ҳамда ИИБ ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирларнинг бирида Мўйноқ тумани бандликка қўмаклашиш маркази инспектори Ш.Бекбергенов тери-таносил касалликлари диспансерига меҳнат қонунчилигига риоа қилиниши юзасидан ўтказилган текширишда аниқланган камчиликларни расмийлаштирмаслик ҳамда қонуний чора қўрмаслик эъвазига диспансер ходимидан 2 млн. 500 минг сўм пора талаб қилиб, шундан 2 млн. сўмини олган вақтида ашёвий далил билан ушланди.

Бошқарма ва унинг бўлимлари томонидан спиртли ичимликларнинг қонуний муомаласи билан боғлиқ 6 та

ҳуқуқбузарлик аниқланиб, 3 та жиноят иши қўзғатилди ва 3 та маъмурий иш юритилди.

Масалан, департаментнинг Тўртқўл тумани бўлими бошқа идоралар билан ҳамкорликда ўтказган тадбирда фуқаро С.Эгамбердиева ўз уйида яширин цех ташкил қилиб, спиртли ичимликлар ишлаб чиқариш билан шугулланаётгани аниқланди. Ушбу цехда тайёрланаётган маҳсулотларнинг манбасини аниқлаш мақсадида ўтказилган тадбирда фуқаро А.Йўлдошев ўз уйида 124 млн. 589 минг сўмлик этил спиртини сақлаб қўйгани аниқланди.

Шу каби ишлар билан бир қаторда, департамент органлари томонидан қонуний товар айланмаси билан боғлиқ 6 та жиноят иши қўзғатилди. Масалан, департаментнинг Нукус шаҳар бўлими ўтказган текширувда фуқаро М.Турдимуратов «Чимбой қурилиш» МЧЖни ташкил қилиб, 2018-2019 йилларда 3 млрд. 228 млн. 919 минг 400 сўмлик товар айланмасини амалга ошириб, Нукус

шаҳар солиқ инспекциясига топширган ҳисоботида солиқ ҳисоблаш базасини камайтириб кўрсатиш йўли билан 183 млн. 800 минг 100 сўмлик қўшилган қиймат солиғини тўлашдан бўйин товлагани ҳамда товарлар сотувидан тушган 2 млрд. 903 млн. 863 минг 700 сўм пулни банкка топширмасдан, савдо қондасини бузгани аниқланган.

Шунингдек, М.Турдимуратов 2019 йил 18 апрелда яна бир масълият чекланган жамиятни ташкил қилиб, 2019 йилнинг май-август ойларида 3 млрд. 580 млн. сўмлик товар айланмасини амалга ошириб, қондасини бузгани аниқланган ҳисоботида солиқ ҳисоблаш базасини камайтириб кўрсатиш йўли билан 487 млн. 646 минг сўмлик солиқларни тўлашдан бўйин товлаб келгани маълум бўлди. Шу билан бирга, товарлар сотувидан тушган 3 млрд. сўмдан зиёд пулни банкка топширмаган.

Албатта, юқорида келтирилган барча ҳолатлар юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, айбдорларга нисбатан суд томонидан қонуний жазо чоралари қўлланди.

Марат БЕКМУРАТОВ,
департаментнинг
Қорақалпоғистон
Республикаси бошқармаси
катта инспектори

УМРИ ҚИСҚА ЁЛҒОН

Ҳаётда одатлар секин-аста характерга, характерлар эса қисматга айланиб бораверади. Абдукарим Кўзиев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) оилали, уч фарзанди бор. Туппа-тузук инсон. Телефони жиринглаб унга уй керак деб мурожаат қилган Шокир Жалиловга: «Менда бундай имконият йўқ. Қаердан ер бераман сизга?» деб тўғриси айтса бўларди. Аммо А.Кўзиев ундай қилмади.

– Бўпти, учрашиб гаплашиб оламиз, – деди учрашув жойини «Лвита» кафеси ёни деб белгилагач нотаниш миқозга.

2019 йил сентябрь ойининг бошлари.

Келишилган жойда Шокир билан гаплашди.

– Ака, кўпдан бери уй қуриш учун ер олишга қийналиб юрибман. Ёрдан беринг.

– Майли-ю, аммо ҳозир ернинг нархини биласиз. Акамнинг 6 сотих ери бор. 8400 доллар берсангиз, номингизга расмийлаштириб бераман.

– Бироз арзонроқ қилинг. Ҳозир бунча пулим йўқ. Россияда ишлаётган яқинларим юборишди.

– Келинг, юзингиздан ўтолмадим, 200 доллар арзон қиламан. Сиз учун 8200 та «кўк».

Ҳеч нарсадан тап тортмай Бухоро шаҳри яқинидаги Алатхона қишлоғида жойлашган ерни Ш.Жалиловга кўрсатиб, уни ишонтира олганидан кўриниб турибдики, А.Кўзиев ёлғонни чинга ўхшатар экан.

2 октябрь куни Шокир кўнгирак қилганида А.Кўзиев қувониб кетди. Укаси Аброрнинг шаҳарга бораётганини эшитиб унга шерик бўлди.

Теразор мавзесига етиб келган «ҳожатбарор» 5000 АҚШ долларини санаб олар экан, бундан кейин нималар бўлишидан беҳабар эди.

Кўлга киритган ўлжасини чўнтакка уриб улгурмаган А.Кўзиев ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари томонидан қўлга олинди.

Қонун доирасида жиноий жавобгарликка тортилган Абдукарим Кўзиев бу хатосидан сабоқ чиқариши шарт. Чунки ота келажақда фарзандларига ибрат бўлиши керак! Шундай эмасми?!

Ақобир АҲМЕДОВ,
департаментнинг Когон тумани бўлими бошлиғи

ҚИЛМИШ – ҚИДИРМИШ

Мамлакатимизда халқ истеъмолчи моллари ишлаб чиқариш жараёни доимий равишда ўрганиб борилади. Чунки бундай маҳсулотларни ишлаб чиқаришда йўл қўйилган ҳар қандай хато инсон ҳаётига хавф солиши тайин.

Урганч туманида яшовчи У.Отамуродова ўз манфаатини эл манфаатидан устун қўйди. У ўз уйида мойжувоз ускунасини ўрнатади. Лаборатория назоратидан ўтмаган, истеъмол учун яроқсиз бўлган ўсимлик мойини ишлаб чиқара бошлайди.

Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Урганч туман ва шаҳар бўлимлари ўтказган тадбирда У.Отамуродова айни иш устида ушланди. Тадбир давомида ҳуқуқбузарнинг уйида 888 кг чигит, 1107 кг кунжа-ра, 480 литр мой ва иккита жувоз борлиги аниқланди ва жами 18 млн. 104 минг сўмлик

хомашё ва ускуналар ҳолислар иштирокида ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Хоразм вилояти ДСЭН бошқармаси Урганч тумани филиалининг ҳулосасига кўра олинган пахта мойи истеъмолга яроқсизлиги аниқланди.

Қилмиш – қидирмиш деганларидек, энди ҳуқуқбузар қилмишига яраша жавоб беради. Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, ҳуқуқий таъсир чоралари кўрилмоқда.

Қазақбай ЖАББОРОВ,
департаментнинг Хоразм вилояти бошқармаси
катта криминалисти


ЖАРИМА МАЙДОНИДАГИ МАШИНА

Содир этган ҳуқуқбузарлиги учун фуқаро Р.А.нинг автомашинаси жарима майдонида қўйилган. Р.А.ни қилиб бўлса ҳам машинасини тезроқ олиб чиқиши ўйлади.

Ойирнинг остидан, снгилнинг устидан юриб ўрганган Р.А. Қашқадарё вилояти ИИБ ОЙИХБ ЙПХБ 2-отряди 1-сафарбарлик гуруҳи инспектори З.У. билан тил топишишга уринди. Гапни узокдан бошлаб, автомашинани чиқариб кетиши учун 300 АҚШ доллари миқдоридан пора таклиф қилди.

Инспектор ўз вақтида бу ҳақда раҳбариятга маълум қилди ва унинг мурожаати асосида тезкор тадбир ташкил этилди. Тадбир давомида Р.А. жарима майдонида инспекторга 300 доллар бераётганида қўлга олинди. Мазкур ҳолат юзасидан унга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, жазо муқаррарлиги таъминланди.

Ақмал МУҲАММАДИЕВ,
департаментнинг Чироқчи тумани бўлими суриштирувчиси



Амалдаги қонунларимиз ҳам, динимиз ҳам фарзанд тарбияси ва моддий таъминотини оталар зиммасига юклайди. Бироқ орамизда боласининг моддий таъминотидан бўйин товлаётган оталар ҳам йўқ эмас. Сурхондарё вилоятида ўз бурчини унутган оталарга қонуний чора кўрилмоқда. Жумладан, Термиз тумани, Учқизил маҳалласида яшовчи Суҳроб Чориев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) вояга етмаган икки фарзанди учун 9 млн. 300 минг сўм алимент пулини тўлашдан бўйин товлаб келаётган эди.

БУРЧНИ УНУТГАНЛАР

Мажбурий ижро бюроси Термиз тумани бўлими юритувида бўлган мазкур ҳолат юзасидан ўтказилган судда унга 15 сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинланди.

Термиз маҳалласида яшовчи Рўзи Валиевдан ҳам суд қарори билан икки фарзанди учун алимент ундириш белгиланган. У ҳам 18 млн. 826 минг сўм алиментни тўламагани учун 15 суткага

қамалди. Энди улар қамоқ жазосини ўтаб бўлгач, икки ой давомида қарзларини тўламаса, жиноий жавобгарликка тортилади.

Феруза АБИДЖАНОВА,
МИБ Термиз тумани бўлими бошлигининг ўринбосари

КАРАНТИНДА БОЛАЛАР ТАЪМИНОТСИЗ ҚОЛМАСИН

Фуқаролик ишлари бўйича Иштихон туманлараро судининг қарори билан Мақсуд Холиқовдан Нигора Жўраевага вояга етмаган фарзандининг моддий таъминоти учун алимент ундириш белгиланиб, Мажбурий ижро бюроси Иштихон тумани бўлими томонидан ижро иши юритилган. Шу вақтга қадар М.Холиқов алимент тўламасдан келаётган эди.



Мақсуд МАМАСОЛИЕВ,
МИБ Самарқанд вилояти бошқармаси инспектори

АЛИМЕНТНИ ОЛДИНДАН ТЎЛАДИ

Суд ва бошқа органлар ҳужжатларининг ижросини таъминлаш Мажбурий ижро бюросининг асосий вазифаларидан биридир. Бюронинг Мингбулоқ тумани бўлимида вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилган.

Масалан, фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро судининг 2015 йил 14 мартдаги қарорига кўра Ғ.Қурбоновдан Шаҳноза Дадамизрасвага даромадининг чорак қисми миқдорда алимент ундириш белгиланган. Давлат ижросиси томонидан алиментни вақтда ундириш чоралари кўриб келинмоқда.

Ўз ўрнида Ғ.Қурбоновга Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 6 октябрдаги 808-қарори билан тасдиқланган Алиментларни олдиндан тўлаш, шунингдек алимент тўлаш мажбурия-

тини таъминлаш бўйича гаров шартномасини тузиш тартиби тўғрисидаги низомда алиментни олдиндан тўлаш мумкинлиги кўрсатиб ўтилгани тушунтирилди. Шундан кейин Ғ.Қурбонов фарзанди вояга еттунига қадар тўлаши керак бўлган 30 млн сўм алиментни олдиндан тўлаб берди.

Бахтиёр АБДУМАЖИТОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги МИБ бошқарма катта инспектори

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БЎЛИМИ ҚАРЗИНИ ТЎЛАДИ

Бюронинг Сергели тумани бўлимига Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2019 йил 25 ноябрдаги ижро варақасига асосан Сергели тумани халқ таълими бўлиmidан «Юксалиш абсолют» МЧЖга 94 млн. 750 минг сўм ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжати келиб тушган.

Шундан сўнг иш юритиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Ижро ҳаракатлари давомида Сергели тумани халқ таълими бўлимининг номига расмийлаштирилган мулкларни аниқлаш мақсадида рўйхатга олувчи органларга ва бошқа ташкилотларга «МИБ-портал» электрон дастури орқали сўров юборилган ва ҳеч қандай мулк аниқланмаган. Бундан ташқари, 2020 йил 10 февралда ХТБнинг

барча ҳисобрақамлари ва ундаги пулга банд солиш тўғрисида қарор қабул қилиниб, ижро учун Сергели тумани газначилик бўлимига юборилган. Шундан сўнг 94 млн. 750 минг сўм қарзи тўлиқ ундирилиб берилди.

Ҳондамир СУХАЙЛОВ,
МИБ Сергели тумани бўлими давлат ижросисчи



«КАПТИВА» ҚАРШИДАН ТОПИЛДИ

Жинойат ишлари бўйича Косон тумани судининг ижро ҳужжатига асосан Ё.Х.дан Р.Б. ва бошқаларга 277 млн. 176 минг сўм ундириш белгиланган.

Мазкур ҳужжат бюронинг Муборак тумани бўлимига келиб тушган кундан ижро иши кўзгатирилган ва қарор нухаси тарафларга юборилган.

Қардор оғохлантиришларга қарамасдан зарарни тўламасдан келгани сабабли ижро иши доирасида Ё.Х.га тегишли «Каптив» автомобилига нисбатан қидирув эълон қилинган. Натيجида мазкур транспорт Қарши шаҳри Пахтазор маҳалласида яшириб қўйилгани аниқланиб, вақтинча сақлаш учун жарима майдонига қўйилди. Ҳозир уни реализация қилиш чоралари кўрилмоқда.

Камол РЎЗИЕВ,
МИБ Қашқадарё вилояти бошқармаси катта инспектори

МУЛҚДАН УЛУШ УНДИРИЛДИ

Эр-хотин ўртасидаги низо оиланинг бузилишига сабаб бўлди. Бироқ ажримдан сўнг ҳам низо тугамади. Аксинча, иш судгача етиб бориб, эр-хотиннинг умумий мулкдаги улуши ажратиб берилди.

Мажбурий ижро бюроси Марҳамат тумани бўлимига фуқаролик ишлари бўйича Асака туманлараро суддан келиб тушган ижро ҳужжатига асосан Алишер Қаримовдан Насимахон Эргашевага Марҳамат тумани Гулистон маҳалласида 0,046 га ерда жойлашган уйдаги улуши ҳисобидан 35 млн. 180 минг сўм ундирилиши белгиланган.

Ижро ҳаракатлари давомида ушбу пул тўлиқ ундирилди.

Нодирабегим НАСИБУЛЛАЕВА,
МИБ Андижон шаҳар бўлими давлат ижросисчи

2020 йил 1 октябрдан бошлаб тадбиркорларга фаолияти натижаларига асосан «Санитария-эпидемиологик осойишталик белгиси»ни бериш амалиёти жорий қилинади.

30-ИЮЛ 2020-Ҳ.
HUGUO N° 30
(1227)

9



КЕЛИШМОВЧИЛИК КЕЛТИРГАН КУЛФАТ...

Ҳаммаси шунчаки ҳолатхонани бошқа жойга кўчиришдан бошланди...

Ёзининг жазираси... Бундай кезларда кишилар ўзини соя-салқинга уради. Биргина Исмаг (исм-фамилиялар ўзгартирилган) шундай иссиқда ҳам ичкилик ичишдан тийилмади. Янги ҳовлисидан хабар олиш баҳонасида кўни-кўшни билан кўришди-ю, унинг томоғи тақиллаб, дарров ҳаммадан пул йиғди ва дўкандан ароқ олиб келди.

Уни икки ошнаси суя-суя қилиб эски ҳовлисига олиб келишганда анча маст эди. Шу боис кечқурун хотини дастурхонга қўйган овқатдан ер экан, нималардир деб гўдранар, нукул кимнидир сўкарди.

Хотини бундай кезлари ўзини панароққа олиб қочшига ўрганганди. Бу гал ҳам одатини қанда қилмай, ўрин солиш баҳона ичкари уйга кириб кетди. Исмаг эса ётиб дам олиш ўрнига гандирақлаб ташқарига чиқди. Шу пайт кўшниси билан ўрталарида давом этиб келадиган тортишув ёдига тушиб қолганди.

– Саид, қайдасан?! – дея кўшнисининг дарвозаси ёнига борар-бормас ўшқира кетди у. – Сен бизни нима деб ўйла-япсан?! Латтага ўхшайманми мен?! Нега ҳозиргача алдаб келаяпсан?! Ҳолатхонани қачон кўчирасан, ит?!

Табийки, бу муомаласи эндигина кечки овқатини еб, дам олиш учун уйига кирган Саиднинг ҳамиятига тегди:

– Сен кимни ит дейсан?!

– У кела солиб Исмагни туртиб юборди.

Шу тариқа жанжал бошланди.

Бу икки кўшненинг ҳовлисини девор эмас, калтаклардан иборат тўсик ажратиб турар, Исмаг ҳовлисининг этагига бир хонали уй қурганди. Ўша йили Саид ҳам негадир ўша бир хонали уйнинг ёнидан ер қавлаб, ҳолатхона қуриб олди. Бундан Исмагнинг ҳам, ота-окасининг ҳам жаҳли чиқиб, бир неча марта ҳолатхонани бошқа жойга кўчиришни талаб қилишди. Бироқ Саид ваъда берса-да, гапининг устидан чиқмади. Сўнгги кунларда эса бу мавзуда гап очилгудек бўлса, албатта жалжал билан тугайдиган бўлди.

Саид аввалига кўшнисининг маст эканини кўриб, жаҳлини босишга ҳаракат қилди, бироқ Исмагнинг ҳақоратлай-вериши уни ҳам қуюшқондан чиқарди. Муштлашув бошланди.

Исмаг караса, кўшнисига кучи етмаяпти. Жаҳл билан чўнтагидаги пичоқни олди-ю Саиднинг чап кўксига зарб билан санчди...

Саид дафъатан кўксидан турган оғриқ сабабини билолмай биров гарангсиб турди. Сўнгра Исмагнинг қўлидаги пичоқни кўриб, ниманидир сезди-ю қоча бошлади. Дам ўтмай, мадори қуриб, ерга юзтубан йиқилди. Бироқ мастлик кўзини кўр қилган Исмаг унинг инграиб ётга-

нига ҳам эътибор бермай «Тур ўринидан баҳона қилиб ерга ётиб олмай!» дея бақирганча уни уриб-тепа бошлади.

Бақир-чақирдан безовта бўлган икки оиладагилар келиб вазиятни англашди-ю, бирови «тез ёрдамга кўнғирок қилишди, қолганлари Исмагнинг қўлидаги пичоқни олиб кўйинга ошқиди. Шифокорлар келиб, Саид аллақачон вафот этганини айтган, жуфтакни ростлаб қолган Исмагни қидиришга тупишди...

Жиноят ишлари бўйича Андижон вилояти судида мазкур қотиллик ўрганиб чиқилди, Исмаг Қаландаров 13 йилга озодликдан маҳрум этилди.

Ҳожа сабабчиси бир киши. Аммо атрофдаги кўплаб кишиларни айблагна ҳам асос топилади. Наҳотки аввалдан давом этаётган можаро уларни хушёр тортирмади?! Наҳот бир инсонни тинчлантириш, ақлини киритиб қўйиш шунчалар мушкул?! Бу каби саволларнинг адоғи йўқ. Арзир-арзимас жавоблари ҳам бордир. Бироқ энди булардан кимга наф?!

Албатта, ҳар қандай жиноятчи жазосини олади. Айтмоқчи бўлганимиз шуки, одам ҳаёт қадрини қўлига қишан урилганда эмас, олдинроқ англаса яхши бўларди. Зеро, ақл-идрок инсонга бежиз берилмаган.

Расул МАТХАЛИКОВ,
Бош прокуратура бошқарма
АМИБ терговчиси

ТУБАНЛИККА ЮЗ ТУТГАН АЁЛ

Амударё туманида яшовчи Лайлохон (исм-фамилиялар ўзгартирилган) мол-дунёга ҳирс қўйиб, ўзи тушган фахш гирдобига бошқаларни ҳам тортишга киришди. Ёзда фарғоналик таниши Моҳидилга кўнғирок қилди. «Туркияга бориб ишлашни хоҳловчи қизлар керак, енгилтак қизларни топинг, ҳар бири учун беш юз доллардан бераман. Қизларни ўзим жўнатаман», – деди. Моҳидил Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармасига мурожаат этди. Икки қиз Моҳидил билан бирга одам савдосига қўл урган аёлни жиноят устида ушлаш тадбирида қатнашишга рози бўлди.

Моҳидил орадан икки кун ўтиб Лайлохон билан телефонда гаплашди.

– Истанбулдаги танишимнинг ёнига юбораман, – деди у.

Йўлқираси, уларга олиб берадиган уст-бош ва бошқа харажатлар учун танишим тўлайди. Харажатларни қизлар ишлаб беришади. Эртага Тошкентда кўришамиз.

Моҳидил қизлар билан «Ғишткўприк» чегара постига борди. Орадан биров вақт ўтиб Лайлохон етиб келди. Моҳидил у ваъда қилган 1000 долларни сўради. «Қизларни учуриб юборганимдан кейин қайтиб келгач бераман», – деди у. «Ҳозирча мана буни ола туринг», – дея қўлидаги соати, иккита узуги ва 100 АҚШ долларини берди.

– Истанбулда ишратхонада ишлайсизлар, – деди қизларга. – Чегарадан Қозғистонга олиб ўтиб Чимкент аэропортидан жўнатиб юбораман. Суратларингни интернет орқали Али Усмоннинг телефонига ташлаб бераман. Истанбул аэропортида суратларингдан таниб олади. Туркияга чиқариб юборишнинг харажатларини менга ишлаб берасизлар, етти минг доллардан бўлади. Сўнг ҳар бир мижоз берган пулнинг ярми ўзларингга қолади, ярмини ишратхона эгалари олади.



Шартига кўнган қизларни чегара постига бошлаган пайтда Лайлохон Фарғона вилояти ИИБ ходимлари томонидан қўлга олинди. Тубанликка юз тутиб турмуш ўртоғидан ажрашган, одам савдоси жиноятини содир этган Лайлохон Мамбетованинг қилмиши тўлиқ иқдорлигидан ташқари, гувоҳларнинг кўрсатмалари, Моҳидил Бойжонованинг телефон орқали ёзиб олинган аудиоёзувлар, судланувчи унга берган узук, соат билан тасдиқланди. Суд уни шартли равишда беш йилга озодликдан маҳрум этгани ҳолда қилмишидан пушаймонлиги, ёлғиз оналиги, вояга етмаган учта боласи борлигини инобатга олиб, бир йил синов муддати белгилади.

Шухрат МИРЗАЛИЕВ,
Фарғона шаҳар прокуратурининг ўринбосари

ЯХШИДАН БОҒ ҚОЛАДИ...

КАМТАРИН ҲАМ БАҒРИКЕНГ ИНСОН ЭДИ!

Ҳақимбой Аширович билан 2008 йилдан бошлаб, яъни у киши Ўзбекистон Республикаси Бosh прокурорининг ўринбосари вазифасида иш бошлаганидан бошлаб, ўн йилдан зиёдрок давр мобайнида бақамти ишлаш насиб этди. У киши билан тез-тез телефонда боғланиб, фуқаролик низоларига биргалликда счим излаган пайтларимиз кўп бўлган. Шунингдек, Ҳақимбой ака лавозими тақозосига кўра Олий суд Пленуми, Олий суд раёсати мажлисларида қатнашар, кўрилатган масалаларга ўзининг қатъий муносабатини билдираётган эдилар. Шунга кўра, вақти-вақти билан бевосита кўришиб, фикр алмашиб ҳам турар эдик.

Ҳақимбой Аширович туман прокурорининг ёрдамчилигидан то Бosh прокурор ўринбосарига бўлган узоқ, сермашаққат йўлни босиб ўтган, кўпни кўрган инсон эдилар.



Шу боис кўпчилик, шу жумладан, ўзимиз ҳам у кишини хурматлаб, Ҳақимбой ога, деб мурожаат қилардик.

Ҳақимбой оганинг энг сара фазилатларидан бири ҳаммага бирдай муносабатда бўлишларида эди. Ўздан ёши каттага хурмати, кичикка иззати бўлачак эди. Ҳам феъли Қорақалпоқ ерлари каби кенг эди десак, хато бўлмас. Ҳам камтарин ва

кўюнчак инсон эдилар. Биров учун суюниши ҳам, куйиниши ҳам ўзгача эди.

Ўз ишига муносабатда доим одамлар манфаатини биринчи ўринга қўяр, фуқаролик иши бўладики, жиноят иши бўладики миридан-сирингача ўрганиш одати эдилар.

Орадан йиллар ўтиб, 2017 йилга келиб Ҳақимбой Аширович Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Қорақалпоғистондаги Халқ қабулхонаси раҳбари бўлиб ишлаган даврида фуқароларни қабул қилиш жараёнида илганим у киши ўз элининг чин маънодаги даргаларидан бири эканлиги, халқнинг у кишига хурмати жуда баланд эканлиги бўлди.

Ҳа, Ҳақимбой Ҳалимов Қорақалпоқ элининг суйган фарзанди, ҳам бутун юрт таниган намояндаси эдилар.

Ҳақимбой оганинг охиратлари обод бўлсин! Халқимизда яхшидан боғ қолади, деган нақл бор. Ҳақимбой огадан ҳам шоғирд, фарзанд ва набиралардан иборат катта боғ қолди ва улар тимсолида Оганинг ишлари даъвом этади, ёди мангута эл билан бирга қолади!

Холмўмин ЁДГОРОВ,
Олий суд раисининг ўринбосари

HUQUQ

YURIDIK GAZETA

MUASSIS:

**O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi**

BOSH MUHARRIR:

Jahongir MAKSUMOV

TAHRIIR HAY'ATI:

**Erkin YULDASHEV
Halim BOLTAYEV
Sodiqjon NAZAROV
Hayot SHAMSUTDINOV
Utkirjon DEXKANOV
Maqsudali QAMBAROV**

TAHRIIRIYAT
MANZILI:

**Toshkent shahri, Yahyo
G'ulomov ko'chasi, 66-uy.**

Telefon: 233-98-40,

Faks: 233-10-53,

233-64-85

www.huquq.uz

Info@huquq.uz

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqdir qilinmaydi va egalarga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. «HUQUQ» materiallari ko'chirib bosilganida manbaa sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. [] — tijorat materiali.

Buyurtma #4258.
16 355 nusxada bosildi.
Og'oz bichimi A-3, hajmi 3 bosma toboq.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahilalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: **KASORAV**
Sahifalovchi: **S.BABAJANOV**

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi.
Sotuvda keleshgan narxda

Nashr ko'rsatkichi 231

Gazeta «O'zbekiston» nashriyat matbaa ijodiy uyida chop etiladi.
Korxonani manzili: Toshkent shahar,
Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.
Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617

8 772010 761004

МУБОРАКБОД ЭТАМИЗ!



Прокуратура органлари тизимида кўп йиллар хизмат қилиб, юртимизда қонунийликни мустаҳкамлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган прокуратура фахрийси Саïда Ибрагимова таърифуқ 80 ёшга қарши олмоқда.

Иш жараёнида жамоа ходимларига нисбатан талабчан, ҳам фикр, ўз соҳасида ҳам, жамоат ишларида ҳам соғлом рақобатнинг яратувчиси бўлди.

Саïда Ибрагимова узоқ йиллик самарали меҳнатлари прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳолалиб, бир неча мартаба тақдирланган.

Хурматли Саïда Ибрагимова, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга сийхат-саломатлик, хонадонингизга файзу барака тилаймиз!

Ўзбекистон Республикаси Бosh прокуратураси жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги маркази

ТИББИЁТ ОТМ БИТИРУВЧИЛАРИ ҲУДУДЛАРГА ЖАЛБ ҚИЛИНАДИ

«Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизimini тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент Фармони қабул қилинди.

Фармонга кўра, кишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникалар ва кўп тармоқли марказий поликлиникалардаги мавжуд кичик ва ўрта тиббий ходимлар вакант жойлари тиббиёт таълим мусассалари битирувчилари, пенсионерлар ва бошқа тиббиёт мутахассислигига эга бўлган шахслар орасидан тўлдирилади.

Республикадаги ОТМларнинг «Биология» таълим йўналишини тугатган битирувчилар Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази, Тошкент тиббиёт академияси ва уларнинг худудий филиаллари, Андижон, Бухоро ва Самарканд тиббиёт институтларида вирусология лабораториясининг врач-лаборанти мутахассислиги бўйича онлайн тарзда бир ойлик қайта тайёрлаш курсларини ўтайд.

Қарантин тадбирлари якунига қадар барча тиббиёт ОТМларининг давлат гранти асосида тахсил олган битирувчилари 1 йилгача бўлган муддатга вазият оғир бўлган худудларга жалб қилинади.

Аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва jisмоний фаоллигини ошириш маркази худудий бўлинулари тиббий ходимларини «валеолог» мутахассислигига қайта ихтисослаштириш бўйича бир ойлик қисқа муддатли онлайн курслар ташкил қилинади.

ЎЗА

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси Бosh прокуратураси ва Бухоро вилояти прокуратураси жамоалари ҳамда Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги маркази марказининг Бухоро вилояти худудий бўлими раиси

Саïд ШОДИЕВнинг

вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

Бosh прокуратура хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти жамоаси департаментининг Жиззах вилояти бошқармаси бошлиғи Тўлқин Шариповга отаси

Бошбек ШАРИПОВнинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Бosh прокуратура хузуридаги Мажбурий ижро бюроси жамоаси Бюронинг бўлим катта инспектори Сарвар Иброҳимовга отаси

Тойиржон ИБРОҲИМОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Бosh прокуратураси ва Бухоро вилояти прокуратураси жамоалари ҳамда Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги маркази прокуратура фахрийси

Музаффар ЖАМИЛОВнинг

вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Бosh прокуратура хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Хоразм вилояти бошқармаси жамоаси Департаментнинг вилоят бошқармаси фахрийси Бахтиёр Жуманиёвга ўғли

Азамат ЖУМАНИЁЗОВнинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Бosh прокуратура хузуридаги Мажбурий ижро бюроси ҳамда Бюронинг Хоразм вилояти бошқармаси жамоалари бошқарма бошлиғи Анвар Казимовга отаси

Наим КАЗИМОВнинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Бosh прокуратура хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти жамоаси Департамент бўлими бошлиғи Абдужаббор Муллажоновга отаси

Меҳринисо МУЛЛАЖОНОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бosh прокуратура хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти жамоаси Департаментнинг Иштихон тумани бўлими иш юритувчиси

Фурқат ҲАКИМОВнинг

вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Бosh прокуратура хузуридаги Мажбурий ижро бюроси ҳамда Бюронинг Хоразм вилояти бошқармаси жамоалари Кўшқўпир тумани бўлими бошлиғи

Муроджон АТНАЗАРОВнинг

ва Урганч тумани бўлими давлат ижрочиси

Дилшод ТОЖИБЕВнинг

ҳамда Гурлан тумани бўлими шўъба инспектори

Ғулумжон МАТЯКУБОВнинг

вафоти муносабати билан уларнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Япониянинг «Mitsubishi Chemical» компанияси денгиз сувида биологик тарзда парчаланадиган целофан халталар ишлаб чиқара бошлади.

30-ИЮЛ 2020-Й.

HUQUQ № 30

(1227)

11

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ
«ҚУРБОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА»ГИ
ҚАРОРИДА УШБУ БАЙРАМНИ КАРАНТИН ТАЛАБЛАРИГА
РИОЯ ҚИЛГАН ҲОЛДА, ХАЛҚИМИЗНИНГ МИЛЛИЙ ВА ДИНИЙ
АНЪАНАЛАРИГА МОС РАВИШДА ЎТКАЗИШ БОРАСИДА
ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ.

Бу йил Қурбон ҳайити намозини жамоат бўлиб ўқишнинг иложи йўқлиги, нафл намозини ўқиш тартиби ва бошқа вожиб амаллар ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг биринчи ўринбосари **Ҳомиджон ИШМАТБЕКОВ** сўзлаб берди.

– Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим. Мана шундай айём кунларига етказгани учун Аллоҳ таолога чексиз шукроналар айтаман. Фазилатли кунларда Аллоҳдан халқимизга тинчлик-осойишталик, қут-барак ва катта ташвиш бўлиб турган короновирус касаллигидан Ўзи ҳимоя қилишни тилаб дуолар қиламиз.

қаноатли бўлишга даъват этиб, “Албатта, қийинчилик билан бирга энгиллик ҳам бордир”, деб марҳамат қилади.

Шу маънода, бугунги қийинчиликлар албатта ўтиб кетади, ҳали қанча хурсандчилик кунлар, байрам ва ҳайитларни барчамиз биргалиқда нишонлаймиз, деб ишонаман.

– Домла айтингчи, Ислом динида Қурбон ҳайитини нишонлаш бўйича қандай тавсиялар келган, халқимиз бу кунларда қандай амалларни бажарганлари афзал?

– Қурбон ҳайити Зулҳижжа ойининг 10-кунига тўғри келиши эътиборидан ушбу ой ва унинг биринчи ўн кунлиги фазилати жуда улғу экани мўътабар манбаларда баён этилган.

Аллоҳ таоло Қуръони каримнинг “Фажр” сурасида: “Тонга қасам. (Зулҳижжа ойидаги аввалги) ўн кечга қасам. Жуфт ва тоққа қасам”, деб марҳамат қилган.

“Жуфтга қасам” даги “жуфт” дан мурод,

қилаётганда айтган сўзларини тасбеҳ ўрнида қабул қилади. У учун берган ҳар бир дирҳамига етти юз дирҳамнинг савобини беради. Қурбонликнинг ҳар қатра қонидан ўн та фаришта яратади ва улар қиёматгача унинг учун истифдор айтадилар. Қурбонлик гўштининг ҳар лўқмаси учун Исмоил алайҳиссалом фарзандларидан бир қулни озод қилганлик савобини беради.

Мазкур ҳадиси шариф қурбонликнинг нақадар улғу савобли амал эканлигидан далолат беради.

Қурбонлик диний бир ибодат бўлиши билан бирга унинг ахлоқий-ижтимоий аҳамияти ҳам бисёрдир. У ана шу хусусияти билан исломдаги ўзаро ижтимоий ёрдамнинг гўзал бир намунаси бўлиб

да бўлгани каби юртимизда ҳам пандемия билан боғлиқ вазият кескинлигича қолмоқда.

Баъзи мусулмон ва қўшни давлатларда короновирус инфекцияси тарқалиши билан боғлиқ ҳолат кескинлиги сабабли уламолар томонидан Қурбон ҳайити намозини жамоат бўлиб ўқишнинг иложи йўқлиги ҳақида фатволар эълон қилинди.

Ислом дини манбаларида Қурбон ҳайити намози вожиб амал экани баён этилган. Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳдан жума намози вожиб бўлган кишиларга ҳайит намози вожиб экани нақл қилинган. Жума намози Қуръон, суннат, ижмо каби қатъий далиллар билан собит бўлган фарз амалдир. Модомики муайян узрлар билан фарз бўлган жума намози-

Байрамни қандай нишонлаймиз?

Маълумки, бугунги синови кунларда халқимиз бир тану, бир жон бўлиб, дунё халқлари бошига келган ушбу касалликка сабр-матонат, ҳамжихатлик билан курашмоқда.

Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисидаги қарорда белгиланган муҳим вазифалар Қурбон ҳайитининг юртимизда карантин қоидаларига амал қилган ҳолда, кўтаринки рўҳда ўтишига асосий омил бўлмоқда.

Ушбу айём кунларида бугунги синови даврни эътиборга олган ҳолда сабру қаноат, шукроналик, руҳий покланиш, меҳр ва кўмакка муҳтожларга янада эътиборли бўлиш, савобли амаллар қилишдек олижаноб фазилатларни ҳар қачонгидан ҳам яққол намоён этиш зарур.

Саҳобалардан бири мушкул аҳволга тушиб қолганида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан сўрадилар: «Эй Аллоҳнинг Расули, наҳот нимада? Расули Акрам алайҳиссалом «Тилингни тий, уйингда қол ва хатоларингга йилга», дедилар (Имом Термизий ривояти).

Уламолар “Мусулмон, моҳир, тақводор табибининг хабари ила қилинадиган муолажа фарзи айн даражасигача кўтарилади”, деб таъкидлаган. Фикхий қоида шунки, “Айни пайтда саломатликка ва келажақда тинч-тотувликка сабаб бўладиган нарсага амал қилиш шариат ва ақл нуқтаи назаридан вожиб ҳисобланади”.

Касаллик қайси юртда кенг тарқалса, карантин талабларига амал қилиш вожиб. Бундай пайтда чора-тадбирларни белгилаш соҳа мутахассислари ва шифокорларга боғлиқ бўлиб, улар томонидан чиқарилган қонун-қоидаларга барча аҳоли амал қилиши зарур.

Бу йил карантин тўғрисида юзага келган маълум қийинчиликларни тўғри тушуниб, бу масалага оқилона ёндашган, айни вақтда синовларни сабр-матонат ила енгиб ўтаётган юртдошларимизга чуқур миннатдорлик билдирамиз.

Маълумки, ҳозирги кунда бутун дунё ахли каби биз ҳам короновирус пандемияси билан боғлиқ мушкул вазиятнинг бошимиздан ўтказмоқдамиз. Қарами кенг Аллоҳ таоло Қуръони каримда инсонларни масъулиятли синови кунларида сабр ва

зулҳижжа ойининг ўнинчи куни, “тоқ”дан мурод эса тўққизинчи кунидир. Имом Нисобурий айтди: “Аллоҳ таолонинг ушбу ўн кечга қасам ичиши, бу кунларнинг нечоғлик шарафли ва улғу кунлар эканига далолат қилади ва унда дунёвий ва ухровий манфаатлар борлигини кўрсатади.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Аллоҳ учун ибодат қилинишга зулҳижжанинги ўн кундан севимлироқ кунлар йўқ. Унинг ҳар кунлик рўзаси бир йиллик рўзга, ҳар тундаги ибодат Лайлатул қадрдаги ибодатга тенгдир”, деганлар (Имом Термизий ривояти).

Ҳазрати Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Арафа кунининг рўзаси ундан олдинги бир йил ва ундан кейинги бир йиллик гуноҳларга каффорат бўли-

хизмат қилади. Чунки, Қурбонлик гўшти учга тақсимланиб, бир қисми – яқин қариндошларга, яна бир қисми – камбағал ва муҳтожларга тарқатиш, қолганини – оила аҳлига олиб қолиш мустаҳабдир. Ҳаммасини фақирларга берса ёки оилда кўпчилик бўлса, уйда қолдириш ҳам бўлади.

Қурбон ҳайити – хайр-эҳсон, саховат, меҳр-мурувват байрами. Унда қилинадиган қурбонликлар эса жамиятда кишилар ўртасида тенглик, тотувлик каби инсоний фазилатлар ривож топишида хизмат қилувчи воситадир. Чунки қурбонлик гўшtidан ва ундан тайёрланган таомлардан бир-бирларимизга эҳсон қилишимиз қалбларимизни юмшатиб, одамлар орасида меҳр-муҳаббат ришталарининг

ни вақтинча тўхтатиб туриш тўғрисида уламолар фатвоси қабул қилинган экан, вожиб амал бўлган ҳайит намозини ўқимаслик ҳам ўз-ўзидан маълум бўлади. Баён этилганлардан келиб чиқиб, 2020 йилги Қурбон ҳайити (Йидул адҳо) намозини пандемия даврида жамоат бўлиб ўқиш имконияти мавжуд эмаслиги, мўмин-мусулмонларнинг зиммасидан ушбу ибодатни соқит қилади.

Уламолар Кенгашининг короновирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш бўйича фатвосида қайд этилганидек, эпидемиологик вазиятнинг инобатга олган ҳолдаги хулосалари айни Қурбон ҳайити намозига ҳам тегишлидир.

Бундай вазиятда оят, ҳадис ва шаръий қоидаларда кўрсатилган тавсияларга амал қилишга буюрилади. Шариат инсонга зарар етиш эҳтимоли кучайган пайтда ибодатларни енгиб тарзда бажаришга рухсат беради ёки бутунлай зиммидан соқит қилади. Йид намози вожиб амал бўлгани бож бугунгидай узрли ҳолатларда ҳайит намозини адо этиш соқит бўлади.

Мавжуд вазият тақозосидан келиб чиқиб, Қурбон ҳайити намози адо қилинмаса ҳам байрам кайфиятини сақлаб қолиш учун Ҳанафий мазҳабининг мўътабар фикҳий манбаларидан бири бўлмиш “Мажмауль анхур” китобида шундай дейилади: “Маълум бўлсинки, ҳайит намози Эҳво (чошгоҳ) намозининг ўрнига қўйилган. Қачонки, ҳайит намози бирор узр сабабли ўқилмай қолса, икки ёки тўрт ракат нафл намоз ўқиш мустаҳаб бўлади. Тўрт ракат ўқиган афзал”. Шундай экан, Қурбон ҳайити кунларида савоб ишларни кўпайтириш, тақбири ташриҳ айтиш, нафл ибодат қилиш, покланиш, чиройли кийимлар кийиш, хушбўйлашиш, қурбонлик қилиш, яқинларига ҳаёдарлар улашиш айна савобли ишлардан бўлади.

Аллоҳ таоло юртимиз аҳлини Зулҳижжа ойининг 10 кунлигини ва Қурбон ҳайитини Ўзига гўзал ибодатда ўтказишликни, кейинги йил Рамазон ва Қурбон ҳайити байрамларини барча мўмин-мусулмонлар тан сийҳатликда, ваболар даф бўлган ҳолда кенгчиликда нишонлашни насиб этсин!

ЎЗА